

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ АСАРЛАРИДАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

**Хусанова Шоҳсанам
Жиззах давлат педагогика университети**

Аннотация: Ушбу мақолада Шукур Холмирзаев асарларидан таълим жараёнларида фойдаланишнинг педагогик - психологик жихатлари ёритилган.

Калит сўзлар: бадиий адабиёт, таълим – тарбия, баркамол шахс, бадиий асар, ёшлар масаласи, тарихий ўтмиш, маънавият.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда, жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби бадиий адабиётда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, таълим тарбия ва баркамол шахснинг руҳиятини бойитиш мақсадида адабиётга айниқса бадиий асар китобхонлигига давлат сиёсати миқёсида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов доимо ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратиб, уларни тарбиялаш борасида шундай деган эдилар. “Ўзбек халқининг тарихий ўтмиши,- ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чукур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепсия йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, исботлаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур... Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин”¹.

Бугунги кунда президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ёш авлодни мустақил ва соғлом фикрли бўлишини талаб этмоқда. Бу борада 2017 йилда мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш” тўғрисидаги фармойишида халқимизнинг, “...айниқса, ёшлар орасида бадиий жихатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга”² алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз.

Бугунги кунда замонавий адабиётимизнинг бошловчилари Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор каби ёзувчилар билан О. Ёқубов, П. Қодиров, С. Аҳмад, Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов каби ўзбек насрининг истеъодди намояндадарининг асарларини ўқиш ва улардан маънавий куч олиш ўзига хос ёндошувни талаб қилмоқда. Шу билан бир қаторда ижодкорларнинг сара асарларини танлай олиш ва уларга ўз муносиб баҳосини бериш учун ҳам китобхон талаб даражасидаги билимлар билан қуролланиши керак. Масалан, Одил Ёқубов ўз асарларида ҳаётдаги

¹ I.A.Karimov “Yuksak ma’naviyat– yengilmas kuch”, “Ona yurtimiz baxti iqboli va buyuk kelajagi yo’lida xizmat qilish– eng oliy saodatdir” T.: 2008.

²Mirziyoyev Sh.M. Farmoyish. Toshkent shahri, 2017 yil 12 yanvar.

ходисаларни синчиклаб ўрганиб, бадий асар учун зарур бўлган воқеаларни бўймай, ўз ҳолича кўрсатиб берган. Бу албатта ёзувчининг ўзига хос муҳим бадий маҳорати ҳисобланади. Шукур Холмирза асарларини ўрганиб чиқкан китобхон М. Шолохов, А. Қаҳҳор каби ёзувчилар ижодидаги реалистик тасвир анъанаси Шукур Холмирза асарларида ўзига хос тарзда намаён бўлишини тезда англаб олади. Реал воқелик талқинини адаб қаҳромонлар рухияти билан боғлаб уларни қаҳрамонларнинг нутқ ва хатти-ҳаракатлари орқали ифодалайди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ёзувчи Ш. Холмирзаев ўзбек насрининг ранг-баранг жанрларида ўзига хос услугга эга бўлган ижодкор эканлиги талабаларга тушунтириб борилади. Унинг роман, қисса, ҳикояларида болалар образининг ўзига хос тарзда ёритишиши, асардаги болалар характери қандай ва нималар воситасида ёритилганлиги тахлил қилиб борилади. Талабаларга жамиятда руй бераётган воқеликни, болаларнинг табиатга, жамиятдаги хар хил муносабатларга бўлган қизиқишлигини муаллиф қандай ёритиб борганлиги ахборот технологиялари воситасида тушунтирилади.

Шукур Холмирзаев ижоди доимо адабий танқидчиликнинг диққат-эътиборида бўлганлигини талабалар билиши керак. Талабалар Шукур Холмирзаев ижоди билан қизиқкан бир қатор олимлар жумладан, У. Норматов, О. Тоғаев, И. Ғафуров, А. Каттабеков, Ҳ. Болтабоев, Ҳ. Дўстмуҳаммедов, Ш.Дониярова, Г.Товолдиева, М.Ҳамидова ва бошқалар ўзларининг тадқиқот, рисола ва мақолаларида Шукур Холмирзаев асарларининг ғоявий-бадиий қиммати тўғрисидаги фикрларидан кенг фойдаланиб бориши мақсадга муоффикдир. Масалан, У. Норматов “Адаб савияси баланд китобхонни қўз олдига келтириб туриб қалам тебратса керак. У қаламга олган ҳодисалар аксари драматизмга, эҳтиросларга ниҳоятда бой бўлади, лекин уларни иложи борича пинҳон тутади, китобхоннинг ўзи илғаб олишига ишонади. Бу ҳол баъзан тасвирдаги таъсирчанликни, жозибани сусайтириб қўяди” –дейди. Бу каби мулоҳазалар ўқувчини сергакликка олиб келиши керак. Қаерда ва қачон эҳтирослар яширин берилганлиги ва нима учун адаб бундай қилганлигини ўқитувчи талабалар билан бирга тахлил қиласа асар янада ўз жозибасини кўрсатади.

Танқидчи О.Тоғаев ўзининг «Тасвир ва муддао» деган мақоласида “Ш.Холмирзаев ... ҳаётга унинг ўз бўёклари билан ҳиёл жило бериб, холисона манзаралар чизувчи ўзига хос оригинал ижодкор. Инсон туйғулари, қаҳрамон кечинмалари ҳақида ҳам қайноқ ошкор нафас билан гапирмайди. Муносабатлар, манзаралар, деталларнинг қўйма тасвири нутқ воситалари орқали туйғулар суратини чизади” дейди. Асарни синчиковлик билан ўқишига ўргатишида айнан шундай фикрлардан фойдаланиш мақсадга муоффификдир. Адебнинг “ҳаётга унинг ўз бўёклари билан ҳиёл жило бериб, холисона манзаралар чизувчи ўзига хос оригинал” асарларни яратишида табиат ва образларга ўзгача тарзда ёндошуви болалар характерини ёритишида ўзгача усул десак янгилишмаган бўламиз.

Ўзбек қиссачилигига рўй бераётган сифат ўзгаришлари, қисса жанри услубидаги янгиланишларни китобхонларга оригинал қисса намуналари

тақдим этаётган ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг: “Мана, энди асл адабиётнинг “асл масаласига” етиб келдик. У шундан иборат эканки, адабий ходисани, яъни асарни ичдан ёритиб ва тўппа-тўғри кўнгилга акс-садо бериб, кишини қаёққадир бошлайдиган бир нур бўлар экан! Илло, инсоннинг ўзи ҳам табиатан қандайдир бекатга-нурга интилади... ёзиш, очиш, кашф этиш, ҳа-ҳа: энг пинҳон тарафларини оча билиш, пироварди, ана шу тариқа эзгуликка...

Инсон камолотига ёрдамлашиш экан! Алқисса, ҳақиқий ижодкорлар ана шу “иш”ни қилишга маҳқумдирлар. Мажбур эмас, маҳқумдирлар!”³ тарзидаги иқорида бадиий адабиёт ва унинг ижодкорлари зиммасидаги маъсулият ўта нозик эканлигини кўриш мумкин.

Маълумки, Шукур Холмирзаев ижоди ўзининг серқирра, сербўёқлиги ҳамда ифода воситаларига бойлиги билан характерланади⁴. Адиб адабиётимиз осмонида ёрқин из қолдириб мангу юлдузга айланган ижодкор.

Шукур Холмирзаев XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётига кириб келди. Ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаси, ўзбек ҳикоячилигини жаҳон ҳикоячилиги билан бўйлашадиган даражага олиб чиқсан чин адиб, мумтоз адиб Ш.Холмирзаев⁵ қисса жанрида ҳам самарали ижод қилган. Қиссаларида воқеаларни жуда-жуда жонли ҳикоя қиласи. Худди қаршингизда ўтириб воқеаларни сизга гапириб бераётгандек. Қаҳрамонлари ҳам табиий, сохталиқдан йироқ. Унинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор?”, “От йили”, “Тупроқ кўчалар”, “Йўллар ,йўлдошлар”, “Букри тол”, “Юр тоғларга кетамиз” сингари қиссалари бор.

Адиб қиссалари дунёсига кириб борар эканмиз, мавзулар кўламининг хилма-хиллиги, қаҳрамонлар характерининг такрорланмаганлигини, ахлоқий муаммоларни тасвирлаш усулини ўзига хослигини кўришимиз мумкин.

Мустақилликка қадар Шукур Холмирзаев ижоди адабиётшунослар нигоҳидан четда эди. Мустақилликдан сўнг адиб ҳақида шу кунга қадар кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин Шукур Холмирзаев қиссаларида ёзувчи маҳорати, қаҳрамонлар маънавиятини масаласи, ахлоқий муаммоларни тасвирлаш усулини баён этишда замонавий педагогик технологиялардан, геймлардан фойдаланиш ҳақида жиддий бир тадқиқот иши яратилмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПК-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада

³ Холмирзаев Ш. Адабиёт ўладими// “Тафаккур” журнали.1998 йил 2-сон

⁴ Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий тил маҳорати . Филол.фанлари.номз.диссертацияси.- Т.2003,326

⁵ Нишонов Э. Чин адиб ,мумтоз адиб. Мақола. Saviya.uz

такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда айнан Шукур Холмирзаев асарларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувоффикдир.

Адабиётлар

1. Kushvaktov, N., Isokulov, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
2. Ҳасанбоев ЖХ, Т. X., Равшанов, О. А., Кушвактов, Н. X. (2007). Миллий педагогикамиз тарихий илдизлари ва баркамол авлод тарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.
3. Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.
4. Husanovich, K. N. (2023). technology of developing spiritual culture of future teachers. *Journal of Modern Educational Achievements*, 2(1), 64-69.
5. Husanovich, K. N. (2023). psychological characteristics of an selfless persoN. *Journal of marketing, business and management*, 1(10), 10-13.
6. Усманов, Н. У., Кушвактов, Н. X. (2009). Научно-методическое обеспечение формирования основ здорового образа жизни у студенческой молодёжи. *Известия Самарского научного центра Российской академии наук*, 11(4-6), 1458-1462.
7. <https://staff.tiame.uz/storage/users/419/books/ljoxUMetRRahNpxs3p9QmeW5fFSZ77abmoJ6OPnS.pdf>
8. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
9. <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqlilish-kursishi/item/10369-2021-04-16-04-10-07>